

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**425** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5059-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси марказий аппаратининг ташкилий-штат тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмалари 2-3-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси марказий аппарати, Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, Мажбурий ижро бюроси шаҳар бўлимлари, Мажбурий ижро бюроси туман бўлимлари ходимларининг ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари 6 — 9-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг чекланган сони 9 172 нафар, шу жумладан, марказий аппаратда 104 нафар этиб белгилансин, шундан 1 301 нафари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан, 7 871 нафари Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига:

зарур ҳолларда Бюро ва унинг ҳудудий тузилмаларининг ташкилий-штат тузилмаларига ўзгартишлар киритиш;

Бюро ва унинг ҳудудий тузилмаларига Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликлари киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки, Бюро:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва озод этиладиган директор томонидан бошқарилади;

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори олдида ҳисобдор ҳисобланади.

Бюро директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарига тенглаштирилсин.

4. Бюро Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахбороти юборилиши шарт бўлган реестрга киритилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Бюрога тугатилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлардан ишга қабул қилинган ходимларга даражали унвонлар берилиши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан ҳал этилади;

даражали унвонга эга Бюро ходимлари прокуратура органлари ходимлари ҳисобланади ҳамда уларга прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган имтиёзлар, моддий ва ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари татбиқ этилади.

6. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

ва назорат тузилмалари томонидан Бюро ходимлари зиммасига уларнинг ваколатига кирмайдиган вазифаларни юклаш тақиқланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлиги: икки ҳафта муддатда Бюронинг штат жадваллари ҳамда харажатлар сметасини тасдиқласин;

2017 йил 1 июлга қадар ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажарганлиги учун Бюро ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Бюронинг буюртмасига асосан:

«Ўзавтосаноат» АК Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган меъёрларга мувофиқ, хизматда фойдаланиш учун автотранспорт воситалари ажратилишини таъминлайди;

«Ўзбекнефтгаз» МХК «Ўздавнефтгазинспекция» ДИ билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда хизмат ва махсус автотранспорт воситалари ҳамда генераторлар учун керакли ҳажмда бензин ва дизель ёқилғисини ажратилишини таъминлайди.

9. «Ўзстандарт» агентлиги Бюрога табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг яроқлилик ҳолатини мониторинг қилиш мақсадида кўчма лабораториялар учун тегишли рухсат берувчи ҳужжатларни тайёрланишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АК бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Бюро ва унинг ҳудудий тузилмаларининг мебель, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёжини ўргансин ҳамда жиҳозланишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун асослантирилган ҳисоб-китоблар асосида зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош прокуратура билан ҳамкорликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг электр энергияси ва табиий газ етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик тартиби тўғрисидаги низомни;

Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

икки ой муддатда Бюро ходимларининг хизмат кийими ва фарқловчи белгилари намуналарини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритишни;

уч ой муддатда Бюро ва унинг ҳудудий тузилмаларини юклатилган вазифаларни юқори ва профессионал даражада бажарилишини таъминлай оладиган малакали кадрлар билан, шу жумладан, «Ўзбекэнерго» АЖ ва

«Ўзтрансгаз» АК, шунингдек, тугатилаётган Суд департаменти ходимлари таркибидан тўлдирилишини таъминласин.

14. Бюро Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Халқобод кўчаси, 3-тор кўчаси, 2-А уйда жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Бюро ҳудудий тузилмаларининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш учун жойлаштириш, жиҳозлаш ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 10-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Бюронинг 2017 йилдаги фаолияти самарадорлигини ўргансин ва зарурат туғилганда, унинг ташкилий-штат тузилмасини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммаларига юклансин.


**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 30 май,  
ПҚ-3016-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 30 майдаги  
ПҚ-3016-сон қарорига  
1-ИДЛОВА


**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги  
Мажбурий ижро бюроси марказий аппаратининг  
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ҳодимларининг умумий сони — 104 бирлик, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан мोजиялаштирилган — 36 бирлик.  
\* *техник ва ёрдамчи ходимлар штат бириктери сони ўрталикдан мезгиллар асосида аниқланади.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 30 майдаги  
ПҚ-3016-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар бошқармаларининг  
НАМУНАВИЙ ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**




Бошқарув ходимларининг умумий сони — 40 — 64 бирлик.  
\* *техник ва ёрдамчи ходимлар иштат birlikлари сони ўрнатилган  
мевёрлар асосида аниқланади.*

Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар бошқармалари ходимларининг умумий сони — 697 бирлик,  
шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаш-  
тириладиган — 270 бирлик.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 30 майдаги  
ПҚ-3016-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларининг  
НАМУНАВИЙ ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Умумий штат бирликлари сони — 12 — 144 бирлик, шундан бошқарув ходимлари — 4 — 55 бирлик (шу жумладан давлат ижрочилари — 1 — 51 бирлик), ишлаб чиқариш ходимлари — 8 — 89 бирлик.

\* *техник ва ёрдамчи ходимлар штат бирликлари сони ўрнатилган меъёрлар асосида аниқланади.*

Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларининг умумий чекланган сони 8 371 бирлик, шундан бошқарув ходимлари — 2 651 бирлик (шу жумладан давлат ижрочилари — 1 995 бирлик), ишлаб чиқариш ходимлари — 5 720 бирлик, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган — 995 бирлик.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 30 майдаги  
ПҚ-3016-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бюро Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (кейинги ўринларда Бош прокуратура деб юритилади) ҳузуридаги мустақил ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади.

3. Бюро ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг (кейинги ўринларда Бош прокурор деб юритилади) буйруқ ва кўрсатмаларига амал қилади.

4. Бюро тизимига:

Бюронинг марказий аппарати;

Бюронинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари;

Бюронинг туман (шаҳар) бўлимлари киради.

5. Бюро қўйи турувчи раҳбарларнинг юқори турувчи раҳбарларга, шунингдек, Бош прокурорга, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) прокурорларига бўйсунishi ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади.

6. Бюро ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

7. Бюро фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Бюро юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

**2-боб. Бюронинг асосий вазифалари ва функциялари**

9. Қуйидагилар Бюронинг асосий вазифалари ҳисобланади:



суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш, ижро иши юритишда сансалорлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларини олдини олиш;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

электр энергияси ва табиий газ (кейинги ўринларда энергия ресурслари деб аталади) учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, муқобил энергия манбаларининг жорий этилиши устидан мониторинг ўтказиш;

энергия ресурсларини сотиш ва истеъмоли ҳисобини юритишда иштирок этиш;

энергия ресурслари истеъмолчиларининг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чораларини кўриш;

комплекс таҳлил ўтказиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш ва мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, суриштирув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш.

10. Бюро ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

**а) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш, ижро иши юритишда сансалорлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларини олдини олиш соҳасида:**

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлайди, мажбурий ижро этиш қонун билан бошқа давлат органларига юклатилган ҳужжатлар бундан мустасно;

ваколатли органларнинг мол-мулкни, шу жумладан, ҳуқуқбузарлик буюмлари ва қуроллари ҳамда ашёвий далилларни давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиб ташлашни назарда тутувчи қарорларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижро қилади;

хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкнинг баҳоланиши, сақланиши ва сотилишини ташкил қилади;

банклар, кредит ташкилотлари, шунингдек, қарздорга иш ҳақи ва бошқа даромадлар тўловини амалга оширадиган ташкилотлар (шахслар) томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижросини таъминлашда, шу жумладан, қарздорларнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни қидиришда давлат органлари, кредит ва бошқа ташкилотлар билан

ўзаро ҳамкорлик қилади, ушбу мақсадларда кўрсатилган давлат органларининг маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланади;

халқаро шартномалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг суд қарорлари ижросига оид қисми бўйича бажарилишини ташкил қилади;

Бюро ваколатига тааллуқли масалалар бўйича хорижий давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилади;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш соҳасида ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олиш, бартараф этиш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклаш чораларини кўради;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилмаслик ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишда ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини кўриб чиқади;

**б) электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш соҳасида:**

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш, энергия ресурсларини ноқонуний истеъмол қилишнинг бошқа ҳолатларини, шунингдек, уларни содир этишга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш чораларини кўради;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ҳамда энергия ресурсларини ноқонуний истеъмол қилишнинг бошқа ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширади;

бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган ҳамда тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш чораларини кўради;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишда ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ҳамкорлик қилади;

**в) энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтиришни таъминлаш соҳасида:**

истеъмолчилар, истеъмол қилинган энергия ресурслари ҳажмлари, улар

учун амалга оширилган тўловлар, шунингдек, юзага келган қарздорлик ҳисобини шакллантириш ва юритишда қатнашади;

истеъмолчилар, электр ва газ тармоқларига уланиш нуқталари тўғрисида электр ва газ таъминоти корхоналари ва бошқа ташкилотлар билан, шунингдек, истеъмол қилинган энергия ресурслари ҳажмларини аниқлашда маълумотлар алмашинувини амалга оширади;

энергия ресурслари учун тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини ташкил қилади;

истеъмолчи — юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қарздорлигини сўзсиз ундирилишини амалга оширади, электр энергияси ва табиий газ таъминоти корхоналари манфаатида қарздорликни ундириш бўйича талабнома-даъво ишларини олиб боради;

ижро ҳужжатлари асосида энергия ресурслари бўйича қарздорликни мажбурий ундиришни амалга оширади;

**г) энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, муқобил энергия манбаларининг жорий этилиши устидан мониторинг ўтказиш соҳасида:**

энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимларини, шунингдек, муқобил энергия манбаларини жорий қилиш бўйича лойиҳа ва дастурларнинг ўз муддатида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг олиб боради;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимларини, шунингдек, муқобил энергия манбаларини жорий қилиш билан боғлиқ маълумотларни талаб қилиб олади;

энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимларини, шунингдек, муқобил энергия манбаларини жорий қилиш бўйича лойиҳа ва дастурларнинг ижросини ўз вақтида ҳамда сифатли таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўради;

**д) энергия ресурсларини сотиш ва истеъмоли ҳисобини юритишда иштирок этиш соҳасида:**

энергия ресурсларини тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш ҳажмларини, шу жумладан, назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари орқали мониторинг қилади;

белгиланган муддатларда истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларини олади, уларнинг шахсий варақларига маълумотларни киритади, энергия ресурсларини истеъмол қилишнинг ойлик ҳажмларини аниқлайди (электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган истеъмолчилар бундан мустасно);

истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловларнинг ҳар бир истеъмолчига тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобланишини ўрганади;

энергия ресурсларини тақсимлаш ва сотишнинг белгиланган тартибини

бузган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чораларни кўради;

**е) энергия ресурслари истеъмолчиларининг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чораларини кўриш соҳасида:**

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ихтиёрий ижро этилиши, энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан истеъмолчиларнинг маданиятини юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўради;

оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилади, уларни ўз фаолияти натижалари тўғрисида хабардор қилади, ушбу мақсадларда семинарлар, брифинглар, пресс-конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказилади;

**ж) комплекс таҳлил ўтказиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш ва мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:**

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилади ва умумлаштиради, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

Бюро фаолиятининг натижалари, ижро иши юритиш ва энергия ресурслари учун тўловларнинг ундирилиши ҳақида статистик маълумотлар базасини шакллантиради ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди;

энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида шартнома-тўлов интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

самарали иш услубларини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий қилади, ходимларнинг касб маҳоратини ошириш чораларини кўради;

Бюро фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилади ва ахборот хавфсизлигини таъминлайди;

**з) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, суриштирув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш соҳасида:**

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритади, Бюро ваколатига тааллуқли ишларни кўриб чиқади ва маъмурий жазо қўллайди;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётини таҳлил қилади, уларнинг ҳисобини олиб боради ҳамда ушбу соҳада ягона амалиётни шакллантириш чораларини кўради;

Бюро ваколатига тааллуқли ишлар бўйича терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказилади, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширади;

терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказиш, процессуал қарорлар қабул қилиш, тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш амалиёти-

ни ўрганиб боради, уларнинг ҳисобини юритади ва бу борада фаолият самардорлигини ошириш чораларини кўради.

Бюро қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 3-боб. Бюронинг ҳуқуқ ва жавобгарлиги

11. Бюро ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

**а) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш соҳасида:**

давлат органларидан ва бошқа органлардан, ташкилотлардан ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

давлат органларига ва бошқа органларга, ташкилотларга ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек, фуқароларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ишлаётган қарздорларга нисбатан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишини ҳамда молиявий ҳужжатларнинг ижро иши юритишга мувофиқлиги юзасидан текширишлар ўтказиш;

ижро иши юритишда иштирок этаётган шахсларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топшириқлар бериш;

қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойларга, шу жумладан, турар жойларга ва омборларга кириш, зарур бўлган ҳолларда жойлар ҳамда омборларни мажбуран очиш, ҳолислар иштирокида кўздан кечириш;

ўзга шахсларда қарздорга тегишли бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлганда, ўзга шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойларга ва омборларга кириш, зарур бўлган ҳолларда ушбу жойлар ва омборларни мажбуран очиш ҳамда ҳолислар иштирокида кўздан кечириш;

ўзга шахсларда қарздорга тегишли бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлмаганда, суд ажрими асосида ўзга шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойларга ва омборларга кириш, зарур бўлган ҳолларда ушбу жойлар ва омборларни мажбуран очиш ҳамда ҳолислар иштирокида кўздан кечириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкни хатлаш, хатланган мол-мулкни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва реализация қилиш;

қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда ўзга қимматликларини хатлаш;

қарздор ва унинг дебиторларининг ҳисобварақларига ижро ҳужжатлари бўйича қарз суммаларни ундириш ҳақида инкассо топшириқномаларини қўйиш;

олиб қўйилган мол-мулкни вақтинча сақлаш учун давлат мулкидаги яшаш

учун мўлжалланмаган жойлардан, мулкдорнинг розилиги билан эса, хусусий мулкдаги бинолардан фойдаланиш, бундай мол-мулкни сақлаш мажбуриятини тегишли шахслар зиммасига юклаш, ундирувчининг ёки қарздорнинг транспортдан мол-мулкни ташиш учун харажатларни қарздор ҳисобига киритган ҳолда фойдаланиш;

ижро ҳаракатлари амалга ошириладиганда асос бўлган ижро ҳужжатидаги талаблар ноаниқ бўлган тақдирда, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга уни ижро этиш тартибини тушунтириб беришни сўраб мурожаат этиш;

ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни чақириш;

ижро йиғимларини, жарималарни ва ижро харажатларини ундириш;

қарздор жисмоний шахсга, унинг мол-мулкига ёки олиб қўйилиши лозим бўлган болага нисбатан қидирув эълон қилиш;

ижро ҳаракатларини амалга оширишда юзага келган масалалар бўйича, шу жумладан, ижро усули ва тартибини ўзгартириш масаласида судга ёки бошқа органга ариза билан мурожаат қилиш;

ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида, зарур ҳолларда, ички ишлар органларининг ходимларини жалб қилиш чораларини кўриш;

ижро ҳужжатлари талабларини узрсиз сабабларга кўра ихтиёрий равишда бажармаган, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган қарздорларни маъмурий жавобгарликка тортиш, шунингдек, суд ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаган ёки суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда мол-мулкни баҳолаш;

мол-мулкни баҳолаш учун баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган шахсни жалб этиш;

қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишига вақтинча чеклаш белгилаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, Бюро ваколатига тааллуқли ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш;

Бюро ваколатига тааллуқли ишлар бўйича терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказиш, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

**б) энергия ресурслари учун тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини таъминлаш соҳасида:**

энергия ресурслари етказиб берилиши ва истеъмолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишмаган ҳолда текширишлар ўтказиш;

энергия ресурслари истеъмоли, тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқлигини назорат қилиш ва мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган

маълумотларни вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар ва фуқаролардан талаб қилиб олиш;

жисмоний ва юридик шахсларга энергия ресурслари учун қарздорликни бартараф этиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

энергия ресурслари учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган, Бюро талабномалари ижро этилмаган ҳолларда, шунингдек, электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож ҳолатлари аниқланганда, истеъмолчиларни электр ҳамда газ тармоқларидан узиш;

электр энергияси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган ҳамда Бюронинг талабномалари ижро этилмаган ҳолларда алоҳида истеъмолчиларни 6 — 10 кВ ва ундан юқори кучланишли электр энергия тармоқларидан узиш ҳақида электр таъминот корхоналарига талабномалар бериш;

энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари бартараф этилган ҳамда тўловлар тўлиқ амалга оширилганда, илгари электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилган истеъмолчиларни қайта улаш (алоҳида истеъмолчиларни улаш ҳақида талабномалар юбориш);

электр ва газ тармоқларига қайта улаб берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов ундириш;

энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарини пломба-лашда иштирок этиш;

вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, энергия ресурслари учун ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаётган истеъмолчиларга нисбатан жамоат таъсир чораларини кўриш ҳақида тақдимномалар киритиш;

етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорликни истеъмолчилар — юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банк ҳисоб-рақамларидан сўзсиз ундириш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган инкассо топшириқномалари қўйиш;

етказиб берилган энергия ресурслари учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни ходим — истеъмолчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, Бюро ваколатига тааллуқли ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш;

Бюро ваколатига тааллуқли ишлар бўйича терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказиш, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

давлат органларига ва бошқа ташкилотларга, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқароларга ўзига тааллуқли ваколатлар доирасида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш.

Бюро қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Бюро қуйидагилар учун жавобгардир:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш;

энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини, шунингдек, бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги аниқланган тафовутларни бартараф қилиш механизми бўйича таклифлар киритиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

юклатилган бошқа вазифаларни самарали бажариш.

#### **4-боб. Бюро фаолиятини ташкил этиш**

13. Бюрога Бош прокурорнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

14. Бюро директори:

Бюро директорининг тақдимномасига асосан Бош прокурор томонидан лавозимига тайинланадиган учта ўринбосарларга, шу жумладан, биринчи ўринбосарга эга бўлади;

мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Бош прокурорнинг ўринбосарига тенглаштирилади;

лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ижроچиси ҳисобланади;

ўзининг фаолияти бўйича Бош прокурорга бўйсунди ва унга ҳисобдордир.

15. Юклатилган вазифаларни бажариш учун Бюро директори:

а) Бюро фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

б) Бюро ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

в) Бюро ҳудудий тузилмалари бошлиқларининг ҳисоботларини эшитади;

г) Бош прокурорга қуйидагиларни киритади (тақдим этади):

Бюро ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини;

Бюро ва унинг ҳудудий тузилмаларининг ташкилий-штат тузилмаларига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги таклифларни;

ушбу Низомнинг 19-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган шахсларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисида тақдимномаларни;



Бюронинг тегишли ходимларига даражали унвонларни бериш бўйича таклифларни;

Бюро ходимларини рағбатлантириш, уларни Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисидаги тақдимномаларни;

Бюро фаолияти натижалари ҳақидаги ҳисоботни;

д) Бюро ва унинг ҳудудий тузилмаларининг штатлар жадвалини, Бюро марказий аппарати бошқармалари ва бўлимлари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

е) ўз ваколатлари доирасида Бюро фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар ва фармойишлар чиқаради;

ж) ажратилган маблағлар доирасида Бюро ходимларига устама ҳақи, мукофотлар ва бошқа рағбатлантиришлар тўлаш тартиби ва шартларини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди;

з) Бюрога юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

и) Бюронинг тегишли ходимларига махсус тоифалар беради;

к) Бюронинг куч ва воситалари самарали тақсимланишини, шу жумладан, муайян функцияларни бажарадиган ходимларнинг Бюрога юклатилган бошқа ишларга жалб этилишини ташкил этади;

л) Бюро фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича тезкор йиғилишлар ўтказиши;

м) қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Бюро директори бўлмаган ҳолларда унинг ваколатларини Бош прокурорнинг буйруғига асосан унинг ўринбосарларидан бири амалга оширади.

17. Бюронинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат ижрочилари ҳисобланади.

18. Бюронинг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари катта давлат ижрочилари ҳисобланади.

19. Лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш:

Бюронинг марказий аппарати таркибий тармоқлари ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари Бюро директорининг тақдимномасига биноан Бош прокурор томонидан амалга оширилади;

Бюронинг марказий аппарати таркибий тармоқлари ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари Бош прокуратура билан келишилган ҳолда Бюро директори томонидан амалга оширилади;

Бюро марказий аппаратининг бошқа ходимлари, ҳудудий бошқармаларнинг таркибий тармоқлари, туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари Бюро директори томонидан амалга оширилади;

Бюронинг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқларининг ўринбосарлари Бюро директори билан келишилган ҳолда ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

Бюронинг худудий тузилмаларининг бошқа ходимлари худудий бошқармалар бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат ижрочилари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) катта давлат ижрочилари, шунингдек, Бюронинг суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида суриштирув органи бошлиқлари ҳуқуқларига эга бўлади.

21. Бюронинг марказий аппарати ва худудий бошқармаларининг бошқарув ходимлари (молия-хўжалик тузилмалари бундан мустасно), туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, давлат ижрочилари, суриштирувчилар, шунингдек, Бюронинг электр ва газ таъминоти соҳасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича тузилмалари ходимлари ўзининг мақоми бўйича прокуратура органлари ходимлари ҳисобланади. Ушбу ходимларга даражали унвонлар берилади ва улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тўғрисидаги низомга мувофиқ хизматни ўтайдилар.

Бюронинг бошқа ходимлари фаолиятни меҳнат шартномаларига асосан, прокуратура органларига қабул қилишда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда, амалга оширади. Бюронинг туман (шаҳар) бўлимлари электр энергия ва табиий газдан фойдаланиш тартибини назорат қилиш гуруҳлари (шўъбалари)нинг давлат инспектори лавозими ходимлар, қоида тариқасида, олти ой муддатга тузиладиган меҳнат шартномаларига асосан ишга қабул қилинади. Ушбу ходимлар билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг асосий шarti — бириктирилган худудда энергия ресурсларидан қарздорликнинг камида 80 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ундирилишини таъминлаш ҳисобланади.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган:

ходимларга Бош прокурор томонидан ўрнатилган тартибда махсус тоифалар берилади, шунингдек, уларга махсус тоифалар ва узоқ йил хизмат қилганлик учун устама ҳақи тўланади;

прокуратура органларидан ўтказилган ходимларда прокуратура органлари ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ, имтиёз ва бошқа афзалликлар сақланиб қолинади.

22. Бюронинг даражали унвон ва махсус тоифага эга бўлган ходимлари белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунадаги хизмат кийими ва алоҳида кўринишдаги белгиларни киядилар.

Хизмат кийими билан таъминлаш меъёрлари Бюро директори томонидан тасдиқланади.

Хизмат кийимлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

23. Бюро ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришлари учун махсус автотранспорт воситалари, шу жумладан, Бюрога мансублигини англатувчи махсус чироқли сигналларга, бўёқларнинг рангли график схемалари-

га эга бўлган автотранспорт воситалари, шунингдек, бошқа махсус воситалар билан таъминланади.

Махсус автотранспорт ва махсус воситалар билан таъминлаш меъёрлари Бош прокурор томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

24. Бюро ходимларини моддий рағбатлантириш бюджетдан ажратиладиган маблағлар, Жамғарма маблағлари, шунингдек, қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Бош прокурор томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

25. Бюро талабномалари, кўрсатмалари, тақдимномалари ва бошқа ҳужжатларининг ижросини бажармаслик, шунингдек, Бюро фаолиятига аралашуш ҳамда юклатилган вазифалар ва функцияларни қонуний ижро этилишига тўсқинлик қилиш мақсадида унинг ходимларига ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш тақиқланади ва қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

26. Бюрони қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 30 майдаги  
ПҚ-3016-сон қарорига  
5-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) ходимларни хизматга қабул қилиш ва хизматни ўташ, ходимларга даражали унвонлар бериш ва улардан маҳрум қилиш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари Бюронинг даражали унвонлар берилиши назарда тутилган лавозимларда хизмат қилаётган ходимларига (кейинги ўринларда ходимлар деб юритилади) татбиқ этилади.

3. Бюрода хизматни ўташнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, ушбу Низом, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (кейинги ўринларда Бош прокурор деб юритилади) ва Бюро директорининг буйруқлари ташкил қилади.

4. Бюрода хизмат қилиш қонунийлик, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда уларга риоя этиш, очиклик, назорат қилиниш ва ҳисобот бериш тамойилларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Ходимлар прокуратура органларининг ўқув муассасалари ва бошқа ўқув муассасаларида Бош прокурор томонидан белгиланган тартибда тайёргарлик, қайта тайёргарлик ва малака оширишни ўтайдилар.

## **2-боб. Бюрога хизматга қабул қилиш ва уни ўташ**

6. Бюрода хизмат қилиш учун юриспруденция, молия, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда олий ёки ўрта махсус маълумотли, соғлиғига кўра хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган, зарур касб-кор ва маънавий фазилатларга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Бунда Бюронинг давлат ижрочилари лавозимларига олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга, айрим ҳолларда бошқа мутахассисликдаги олий маълумотга эга шахслар, Бюронинг бошқа лавозимларига — олий ёки ўрта махсус маълумотли бошқа мутахассисликка (иқтисодчи, молиячи, муҳандислар ва бошқалар) эга шахслар ҳам тайинланади.

7. Бюрога хизматга қабул қилишда номзодларнинг ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш мақсадида текшириш ҳамда махсус комиссия томонидан билим савияси, зарур касб малакаси ва ишчанлик қобилиятини аниқлашга қаратилган мажбурий суҳбат ўтказилади.

Бюрога хизматга қабул қилишда зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон беришини аниқлаш мақсадида номзодлар мажбурий тартибда тиббий кўрикдан ўтказилади.

8. Ходимларни хизматга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш Бош прокурор, Бюро директори ёки Бюронинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) бошлиқларининг буйруқлари билан расмийлаштирилади.

Хизматга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ ходимга имзо қўйдириб эълон қилинади.

9. Агар шахс:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса;

суднинг қарори билан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган бўлса;

судланган бўлса;

ножўя хатти-ҳаракатлар содир этганлиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд ёки бошқа давлат органларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан бўшатишган шахслар бўлса, Бюрога хизматга қабул қилиниши мумкин эмас.

Бюрога хизматга қабул қилинганда ходимлар ўз хизмат даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар.

10. Ўзаро яқин қариндошлик ёки қуда-андачиликда бўлган Бюро ходим-

ларининг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, биргаликда хизмат қилишлари тақиқланади.

11. Ходимлар илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган фаолиятнинг бирор-бир тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Улар бундай фаолият билан фақат асосий иш вақтидан бўш пайтда шуғулланишлари мумкин.

12. Ходимларнинг лавозимлари рўйхати Бюро директори томонидан тасдиқланадиган штат жадвали билан белгиланади.

Бюро фаолиятининг ички тизимини ташкил этиш Бюро директори томонидан тасдиқланадиган Бюро Регламенти ҳамда ҳудудий бошқармаларнинг Намунавий регламенти билан белгиланади.

13. Ходим биринчи маротаба хизматга қабул қилинаётганда прокуратура ходимларининг қасамёдини қабул қилади. Қасамёд Бюронинг раҳбарлари ҳозирлигида тантанали вазиятда қабул қилинади.

Қасамёд яқка тартибда қабул қилинади. Қасамёд қабул қилувчи шахс қасамёд матнини овоз чиқариб ўқийди ва унга имзо чекади.

Имзоланган қасамёд матни варағи ходимнинг шахсий ҳужжатлари йиғма-жилдида сақланади.

14. Ходимлар хизматни ўташ даврида Бюро директори томонидан тасдиқланадиган Бюро ходимининг касб одобномасига риоя қилишлари шарт.

Бюро ходимининг касб одобномаси талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради. Мазкур қоидалар бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича хизмат текшируви ўтказилади.

Хизмат текшируви ўтказилиши даврида Бюро ходими вақтинчалик, лекин бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Хизмат текширувини ўтказиш ва Бюро ходимини вақтинчалик хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиш тартиби Бюро директори томонидан Бош прокурор билан келишилган ҳолда белгиланади.

15. Ходимларининг хизмат поғоналарида юқорилаб бориши уларнинг ишчанлик, профессионал ва шахсий сифатлари, топширилган соҳада эришган натижаларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Бунда ходимнинг юқори лавозимга тайинланишга розилиги талаб қилинмайди.

16. Коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликларнинг профилактикаси ва уларга йўл қўймаслик, ходимнинг шахсий ва ишчанлик фазилатларини, унинг фаолияти самарадорлигини мунтазам ўрганиш, шунингдек Бюро фаолиятининг турли йўналишларида малака ва иш тажрибасига эга бўлган кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ходимларнинг ротацияси ўтказилади.

Бюро ходимларининг ротацияси, қоида тарикасида, эгаллаб турган лавозимида уч йил ўтиши билан ўтказилади.

Ходимларни ротация қилиш тартиби Бош прокурор билан келишилган ҳолда Бюро директори томонидан белгиланади.

17. Бюро ходимларига Бюро директори томонидан белгиланган шаклда ва тартибда хизмат гувоҳномалари ҳамда жетонлар берилади.

Бюро директорига хизмат гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти имзоси қўйилган ҳолда берилади.

Гувоҳнома ва жетоннинг Бюро ходимининг айби билан йўқотилиши лавозимдаги ножўя хатти-ҳаракат ҳисобланади ва интизомий жавобгарликни келтириб чиқаради. Гувоҳнома ва жетон йўқотилишининг ҳар бир ҳолати бўйича хизмат текшируви ўтказилади.

18. Ходимларни эгаллаб турган лавозимларига хизмат бўйича мувофиқлигини аниқлаш мақсадида Бюро директори томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда аттестация ўтказилади.

Лавозимига Бош прокурорнинг буйруқлари билан тайинланадиган ходимлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг (кейинги ўринларда Бош прокуратура деб юритилади) аттестация комиссияси томонидан, Бюро директори ва ҳудудий бошқарма бошлиқларининг буйруқлари билан лавозимга тайинланадиган ходимлар эса — Бюро ва ҳудудий бошқармаларнинг тегишинча аттестация комиссиялари томонидан аттестациядан ўтказилади.

19. Даражали унвонга эга бўлган ходимлар хизмат вазифаларини бажариш даврида тасдиқланган намунадаги алоҳида белгили хизмат кийими кийиб юрадилар.

Даражали унвонга эга бўлган ходимлар бепул хизмат кийими билан таъминланади.

Хизмат кийими тавсифи, алоҳида белгилари ва таъминлаш меъёри Бюро директори томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг хизмат кийимини кийиб юриш тартиби Бюро директори томонидан белгиланади.

Даражали унвонларга эга бўлиб, пенсияга чиқиши муносабати билан хизматдан бўшаган ходимлар ўтказиладиган тантаналар ва расмий тадбирларда алоҳида белгили хизмат кийимини кийиб юриш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Хизмат кийими билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

### **3-боб. Даражали унвонларни бериш ва маҳрум қилиш**

20. Даражали унвонлар бериш ходимларнинг ишчанлик ва шахсий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда эгаллаб турган лавозими ва иш стажига мувофиқ изчил тартибда амалга оширилади.

21. Ходимларга қуйидаги даражали унвонлар берилади:

3-даражали юрист;

2-даражали юрист;

1-даражали юрист;

адлия кичик маслаҳатчиси;

адлия маслаҳатчиси;

адлия катта маслаҳатчиси;

3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси;

2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси;

Ўрта махсус маълумотга эга ходимларга 3, 2 ва 1-даражали юрист даражали унвонлари берилади.

22. Ходимларга эгаллаб турган лавозимга мутаносиб равишда қуйидаги даражали унвонлар берилади:

2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси — Бюро директори;

3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси — Бюро директори ўринбосарлари;

адлия катта маслаҳатчиси — Бюронинг марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ҳудудий бошқарма бошлиқлари;

адлия маслаҳатчиси — директор ёрдамчиси, Бюронинг марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари ўринбосарлари, бош суриштирувчиси, бош ревизори, бош инспекторлари, ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосарлари, ҳудудий бошқармаларнинг бўлим бошлиқлари, жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўйича катта инспекторлари, ички хавфсизликни таъминлаш бўйича катта инспекторлари, туман (шаҳар) бўлим бошлиқлари — катта давлат ижрочилари;

адлия кичик маслаҳатчиси — Бюро катта суриштирувчилари, катта инспекторлари, катта криминалисти ва криминалисти, ҳудудий бошқармаларнинг катта суриштирувчилари, суриштирувчилари, катта инспекторлари, инспекторлари, бош ревизорлари, катта ревизорлари, туман (шаҳар) бўлим бошлиқлари ўринбосарлари;

1 ва 2-даражали юрист — туман (шаҳар) давлат ижрочилари, суриштирувчилари, шунингдек, электр ва газ таъминоти соҳасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш гуруҳлари (шўъбалари) катта инспекторлари, инспекторлари, криминалистрлари;

3-даражали юрист — биринчи марта аттестациядан ўтган ва лавозимга тайинланган ходимларга берилади.

23. Ҳар бир даражали унвонда бўлишнинг қуйидаги муддатлари белгиланади:

3-даражали юрист — 2 йил;

2-даражали юрист — 2 йил 6 ой;

1-даражали юрист — 3 йил;

адлия кичик маслаҳатчиси — 3 йил;

адлия маслаҳатчиси — 3 йил 6 ой;

2 ва 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси ҳамда адлия катта маслаҳатчиси даражали унвонларда бўлишнинг муддатлари белгиланмайди.

24. 2 ва 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси даражали унвонлари Бош прокурорнинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

3-даражали юрист, адлия кичик маслаҳатчиси, адлия маслаҳатчиси ва адлия катта маслаҳатчиси унвонлари Бош прокурор томонидан Бюро директорининг тақдимномасига асосан берилади.

2 ва 1-даражали юрист унвонлари Бюро директори томонидан Бюронинг

таркибий тармоқ ва ҳудудий бошқарма бошлиқларининг тақдимномасига асосан берилади.

3-даражали юрист унвони биринчи марта Бюрога хизматга қабул қилинган ва даражали унвонга эга бўлмаган ходимларга аттестациядан ўтганидан сўнг берилади.

25. Навбатдаги адлия катта маслаҳатчиси даражали унвони, қоидага кўра, прокуратура органлари ва бошқа давлат органларининг ўқув муассасаларини раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича муваффақиятли таълим олган ходимларига берилади.

Адлия катта маслаҳатчисининг даражали унвони, истисно тариқасида фидокорона меҳнати ва намуна кўрсатган ходимларига алоҳида хизматлари учун ҳам берилиши мумкин.

26. Бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ва ўзга ташкилотлардан Бюрога хизматга ўтган ходимларга даражали унвонлар уларнинг Бюрода тайинланган лавозими, олдинги даражали унвони ва иш тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда берилади, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Уларга навбатдаги даражали унвон ушбу Низомда назарда тутилган тартибда берилади.

27. Бош прокурор ва Бюро директори, истисно тариқасида, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

алоҳида ҳолларда ходимларига хизмат мажбуриятларини намунали баъжарганлиги учун навбатдаги даражали унвонларни белгиланган муддатидан аввал бериш;

юқориқ лавозимга тайинлаганда даражали унвонни навбатдан ташқари, лекин ходим эгаллаб турган даражали унвондан кўпи билан икки поғона юқори даражали унвон бериш.

ушбу Низомда белгиланган тартибда даражали унвонлар берилиши назарда тутилмаган лавозимларда ишлаётган ходимларга ишда ўрнак кўрсатганлиги учун даражали унвонлар бериш.

28. Даражали унвонлар берилган ходимлар мазкур унвонга умрбод эга бўлиб қоладилар. Ходим ўзини бадном қиладиган қилмиши учун Бюродан бўшатиладиганда даражали унвондан маҳрум этилиши мумкин. Ходим ўз хизмат бурчини қўпол равишда бузган тақдирда ёки нолайиқ ҳулқ-атвори учун унинг унвони пасайтирилиши мумкин.

29. Ходимларни олий даражали унвонлардан маҳрум этиш ёки уларнинг олий даражали унвонларини пасайтириш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, бошқа даражали унвонлардан маҳрум этиш ёки унвонни пасайтириш Бош прокурор, шунингдек ваколат доирасида Бюро директори томонидан амалга оширилади.

Ходимларни даражали унвонлардан маҳрум этиш суднинг ҳукми бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

30. Даражали унвонларга эга бўлган ходимларга лавозим маошларига ойлик қўшимча ҳақ тўланади.



**4-боб. Рағбатлантириш**

31. Ходимлар хизматдаги ташаббускорлиги, тезкорлиги, хизмат вазифаларини виждонан ва намунали бажарганликлари учун рағбатлантирилади-лар.

32. Рағбатлантиришнинг қуйидаги турлари мавжуд:

ташаккурнома;

пул мукофоти;

илгари берилган интизомий жазони амал қилиш муддати тугашидан аввал олиб ташлаш;

фахрий ёрлик;

совға;

қимматбаҳо совға;

навбатдан ташқари даражали унвон ёки навбатдаги даражали унвонни белгиланган муддат тугагунга қадар ёхуд эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, бериш;

I, II, III-даражали «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони билан тақдирлаш;

«Мажбурий ижро бюросининг Фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирлаш.

Ходимлар, шунингдек:

Бюро директори ҳамда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фахрий ёрлиғи;

тегишлича Бош прокурор, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан прокуратура органлари ходимлари учун назарда тутилган рағбатлантириш турлари билан рағбатлантирилиши мумкин.

Ходимлар алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.

33. Интизомий жазоси бўлган ходимлар фақат берилган интизомий жазони олиб ташлаш тариқасида рағбатлантирилишлари мумкин.

34. Рағбатлантириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ташаккурнома эълон қилиш, пул мукофоти ёки совға билан тақдирлаш, муқаддам берилган интизомий жазони амал қилиш муддатидан аввал олиб ташлаш тегишлича Бош прокурор, Бюро директори, ҳудудий бошқарма бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

фахрий ёрлик, қимматбаҳо совға, «Мажбурий ижро бюросининг Фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирлаш, навбатдан ташқари даражали унвон ёки навбатдаги даражали унвонни белгиланган муддатдан олдин, ёхуд эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар бериш, шунингдек Бюро директори ҳамда Давлат муассасалари ва ижтимоий хизмат кўрсатиш ходим-

лари республика касаба уюшмасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш Бюро директори томонидан амалга оширилади.

фахрий ёрлик, қимматбаҳо совға, навбатдан ташқари даражали унвон ёки навбатдаги даражали унвонни белгиланган муддатдан олдин, ёхуд эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, бериш, I, II, III-даражали «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони билан тақдирлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тақдим этиш Бош прокурор томонидан амалга оширилади.

35. Рағбатлантириш ҳақида буйруқ чиқарилиб, ходим ишлаётган Бюро тузилмаси ходимларига эълон қилинади, зарур ҳолларда эса Бюронинг барча ходимлари эътиборига етказилади.

Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ нусхаси ходимнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдига қўшилади.

### 5-боб. Интизомий жазолар

36. Ходимларга нисбатан интизомий жазолар ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, Бюро ходими деган номга доғ туширадиган ножўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун қўлланилади.

37. Қуйидагилар интизомий жазолар ҳисобланади:

ҳайфсан;

ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдордаги жарима;

лавозимда пасайтириш;

даражали унвонни бир поғонага пасайтириш;

хизмат вазифаларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузганлиги учун хизматдан бўшатиш.

Қуйидагилар хизмат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш ҳисобланади:

узрли сабабларсиз прогул қилиш (шу жумладан, иш куни мобайнида уч соатдан ортиқ хизматда бўлмаслик);

хизматга маст ҳолда келиш, шунингдек иш жойида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;

жиноий жазоланадиган қилмиш ёки ножўя хатти-ҳаракат содир этиш; қасамёдни бузиш.

38. Бош прокурор барча интизомий жазо турларини қўллашга ҳақлидир, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган даражали унвонларда пасайтириш бундан мустасно.

Бюро директори ва ҳудудий бошқармалар бошлиқлари бўйсунувидаги ходимларга нисбатан ҳайфсан ва жарима шаклидаги интизомий жазоларни қўллашлари мумкин. Бундан ташқари, улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардаги келишиш тартибига риоя қилган ҳолда хизматга қабул қилиш ва лавозимига тайинлаш ўз ваколатига кирувчи ходимларнинг лавозимини пасайтириши ёхуд хизматдан бўшатиши мумкин.

Бюро директори ўз ваколатлари доирасида Бюро ходимларининг даражали унвонларини пасайтириши мумкин.

39. Интизомий жазо қўллаш масаласини ҳал этаётган раҳбар содир этилган хатти-ҳаракатни шахсан ўзи ўрганиб чиқиши шарт. Зарур ҳолларда, хизмат текшируви ўтказилиши мумкин.

Интизомий жазо қўллашдан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиб олиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўллаши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмаган ҳолда узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, хизмат текшируви натижасида аниқланганда эса, — содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазо қўллаб бўлмайди. Жиноят иши бўйича ўтказилган дастлабки тергов ва суд даври бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо буйруқ билан берилади ва у ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади ҳамда унинг шахсий йиғмажилдига қўшиб қўйилади. Интизомий жазо қўллаш ҳақидаги буйруқ Бюронинг тегишли тузилмаси ходимларига, зарур ҳолларда эса Бюронинг барча ходимларга ҳам эълон қилиниши мумкин.

Бош прокурор томонидан лавозимга тайинланган ходим интизомий жавобгарликка тортилган ҳолларда, интизомий жазо қўллаш ҳақидаги буйруқ нухсаси Бош прокуратурага юборилади.

40. Бош прокурор, шунингдек, ўз ваколати доирасида Бюро директори интизомий жазони бекор қилиш, қаттиқроқ интизомий жазо қўллаш ёки уни енгиллаштириш ҳуқуқига эгадирлар. Агар интизомий жазо сифатида хизматдан асоссиз бўшатиш қўлланилган бўлса, Бош прокурор ёки Бюро директори хизматдан бўшатишни асоссиз деб топиб, ходимни илгариги лавозимига тиклаш ёки унга тенг бошқа лавозимга тайинлаш ва мажбурий прогул вақти учун, бироқ кўпи билан бир йилдан ортиқ бўлмаган даврга ҳақ тўланиши тўғрисида буйруқ чиқарадилар.

41. Ходим интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил мобайнида қайта интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Қўлланилган интизомий жазо бу ҳақдаги буйруқ қабул қилинган кундан камида олти ой ўтгач, ушбу жазони қўллаган раҳбар, Бюро директори ёки Бош прокурор томонидан, ходим ўз хизмат вазифасини виждонан бажариб, хизматда ўрнатилган кўрсатса, муддатидан илгари олиб ташланиши мумкин.

42. Интизомий жазо мавжудлиги ходимнинг лавозим бўйича юқори кўтарилишига ёки унга даражали унвон берилишига, шунингдек, раҳбарлик ла-

возимлари учун захирага киритилишига (бўлишига) тўсқинлик қилувчи ҳолат ҳисобланади.

43. Интизомий жазони қўллаш борасида ваколат доирасидан четга чиққан ёки лозим бўлган ҳолларда жазо қўлламаган Бюро директори ва худудий бошқармалар бошлиқлари белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

44. Ходим қўлланилган интизомий жазо устидан Бош прокуратурага ёки Бюро директорига буйруқ эълон қилингандан кейин икки ҳафталик муддатда шикоят қилиши мумкин.

Шикоят келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда, қўшимча текширув ўтказиш зарур бўлган ҳолларда эса бир ойдан кечикмай кўриб чиқилади.

Шикоят билан муружаат қилиниши интизомий жазо ижросини тўхта-тиб қўймайди.

45. Ходимлар давлат ҳимоясида бўлади.

Хизмат вазифасини бажариш вақтида ходимни ушлаб туришга, шахсий тинтув ўтказишга, унинг нарсаларини ва фойдаланаётган транспортини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди, конунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ходимларга, шунингдек хизматдан бўшатирилган шахсларга нисбатан уларнинг Бюрода хизмат вазифаларини бажариш жараёнида содир этган қилмишлари учун жиноят иши қўзғатиш масаласи Бош прокурор, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар томонидан ваколатлари доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ходимларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик масаласи Бюро директори ва худудий бошқармалар бошлиқлари томонидан ваколатлари доирасида ҳал этилади.

### **6-боб. Бюронинг кадрлар захираси**

46. Бюрода кадрлар захираси шакллантирилади.

Кадрлар захирасини шакллантиришдан асосий мақсад Бюрога зарур касбий фазилатларга эга бўлган шахсларнинг хизматга қабул қилиниши, раҳбарлик лавозимларига юклатилган вазифаларни профессионал ва самарали амалга ошириш учун бошқарувчилик қобилиятига эга ходимлар тақдим этилишини таъминлаш, шунингдек уларни тарбиялаш, ўқитиш ва жой-жойига қўйишдан иборат.

Кадрлар захирасини шакллантириш ва у билан ишлаш коллегиялик ва ҳолислик тамойилларига асосан амалга оширилади.

47. Қуйидагилар кадрлар захирасини шакллантириш ва у билан ишлаш фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

Бюрога ушбу Низом билан белгиланган талабларга жавоб берадиган шахсларни хизматга қабул қилиш;

ходимларнинг назарий билимлари, амалий ва ахборот-таҳлил кўникмаларини юксалтириш, ишчанлик ва профессионал сифатларини такомиллаш-

тириш, уларни юридик, молия, иқтисодий таълим, тезкор-қидирув фаолияти ва ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий ютуқлари билан таништириш;

юқори лавозимлар учун масъулиятли, малакали ҳамда касбий тайёргарликка эга ходимларни танлаб олиш ва уларни кадрлар захирасига киритиш;

кадрлар захирасига киритилган ходимларни қайта тайёрлаш ва тарбиялаш, шунингдек уларда бошқарувчилик қобилиятларини шакллантириш;

ходимларнинг хизмат поғоналарида юқорилаб боришини тизимли режалаштириш ва ташкил этиш.

Бюро тизимидаги юқори лавозимларга, қоида тариқасида, кадрлар захирасида турган ходимлар тайинланади.

48. Раҳбар кадрлар захирасига киритиш учун мезон бўлиб, Бюро тизимидаги раҳбарлик лавозимларида юклатилган вазифаларни бажара олиш учун зарур кўникма ва сифатларга эгаллиги ҳисобланади.

Бунда Бюро директори ўринбосарлари, ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, шунингдек Бюронинг марказий аппарати таркибий тармоқлари раҳбарлари лавозимлари учун кадрлар захирасига юклатилган хизмат вазифаларини виждонан бажараётган, кенг дунёқарашга, назарий билимга, ижобий шахсий ва ишчанлик сифатларига, турли лавозимларда амалий иш тажрибасига, ташкилий-таҳлилий қобилиятга, қатъиятлилиқ, принципиаллик ва масъуллик ҳиссига эга ходимлар киритилади.

49. Кадрлар захирасига номзодлар Бюро директори, унинг ўринбосарлари, Бюро марказий аппарати таркибий тармоқлари раҳбарлари ва ҳудудий бошқармалар бошлиқлари, шунингдек, прокуратура органлари ва Бюро аттестация комиссиялари томонидан тақдим этилади.

Масъулиятли, малакали ва тажрибали ходимларнинг хизмат поғонасида юқорилаб боришини таъминлаш мақсадида Бюронинг кадрлар бошқармаси томонидан ички хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ва Бюронинг бошқа тузилмалари билан биргаликда кадрлар захирасига номзодларни ҳолисона танлаш, уларни ўрганиш ҳамда касбга тизимли равишда тайёрлаш ишларини амалга оширади.

50. Кадрлар захираси билан ишлаш тизимли асосда, мавжуд вакансиялардан қатъи назар, олиб борилади. Раҳбарлик лавозимларига захира таркиби йилига камида бир маротаба шакллантирилади.

51. Кадрлар захирасини шакллантиришга масъул бўлган шахслар кадрлар захирасига номзодларни тақдим этиш бўйича ишларнинг тўғри ташкиллаштирилиши ва унинг ҳолисона шакллантирилиши учун тўлиқ жавобгардирлар.

52. Кадрлар захирасини шакллантириш ва у билан ишлаш ушбу Низом ва Бош прокурорнинг буйруқларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **7-боб. Ходимларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти**

53. Хизмат вазифаларини бажаришда Бюро ходимлари хизмат, шу жумладан махсус автотранспорт ҳамда махсус воситалар билан таъминландилар.

Хизмат, шу жумладан, махсус автотранспорт ва махсус воситалар би-

лан таъминлаш меъёрлари Бош прокурор томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

54. Ходимларнинг пул таъминоти мансаб маоши, даражали унвон учун ҳар ойлик қўшимча тўловлар, кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устамалардан ҳамда қонунчилик ва идоравий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Кўп йиллик хизмати учун устамани ҳисоблаш ҳуқуқини берувчи маҳсус стаж Бош прокурорнинг буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг даражали унвонга эга бўлган ходимларга кўп йиллик хизмати учун устамалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган қоидалар бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

55. Бюро ходимларини моддий рағбатлантириш бюджетдан ажратиладиган маблағлар, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Бош прокурор томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

56. Ходимларга муддати ўттиз календарь кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн беш йилдан ортиқ умумий иш стажига эга бўлган ходимларга беш календарь кун, йигирма беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса ўн календарь кун қўшимча таътил берилади.

Ходимларни навбатдаги йиллик таътидан қақриб олишга хизмат бўйича ўта зарур ҳолларда ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми кейинги вақтга ўтказилади.

Ходимлар сони ёки штати қисқарганлиги муносабати билан (ташкилий-штат тадбирлари), касаллиги туфайли ёки пенсияга чиқиши сабабли ишдан бўшатишган ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳақ тўланадиган навбатдаги йиллик меҳнат таътили берилади, ундан фойдаланилмаган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ пуллик компенсация тўланади.

Хизмат ўташни тугатган ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътилар учун пуллик компенсация тўланади.

57. Ходимларга оилавий шароит, шунингдек, бошқа узрли сабабларга кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда, навбатдаги йиллик таътил ҳисобига қирмайдиган, қисқа муддатли таътил берилиши мумкин.

58. Яшаш шароитини яхшилашга муҳтож бўлган ходимларга белгиланган тартибда ижтимоий-моддий ёрдам берилади.

59. Ходимларнинг пенсия таъминоти қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

60. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, пенсияга чиқиши муносабати билан хизматдан бўшатишган ходимлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тиббий муассасаларида тиббий хизматдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.

61. Ходимлар хизмат сафарларига юборилганида барча турдаги транспорт воситаларига йўл чипталари ҳамда меҳмонхонада жойларни банд қилиш ва навбатсиз олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

62. Ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғининг мажбурий давлат суғуртаси, белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

### 8-боб. Бюрода хизмат ўташни тугатиш

63. Бюрода хизмат ўташ ходим ишдан бўшатиладиганда тугатилади.

Бюрода хизматни ўташ:

Бош прокурор, Бюро директори ва ҳудудий бошқармалар бошлиқларининг ташаббуси билан;

ходимнинг ташаббуси билан;

тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда тугатилади.

Бош прокурор, Бюро директори ва ҳудудий бошқармалар бошлиқларининг ташаббуси билан хизмат ўташни тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

хизматни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар (штатлар) сонининг қисқариши ёки хизмат хусусиятининг ўзгариши;

ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқлиги сабабли;

ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини мунтазам равишда бузилиши. Хизмат вазифаларини мунтазам равишда бузиш деб ходим илгари содир этган хизмат вазифаларининг бузганлиги учун интизомий жазога тортилган кундан эътиборан бир йил мобайнида интизомий қоидабузарликни такроран содир этиши ҳисобланади (агар жазо муддатидан илгари олиб ташланган бўлмаса);

ходим томонидан хизмат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш; ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган фаолиятни ходимга огоҳлантириш қилинганидан кейин ҳам давом эттириши;

ходимнинг Бюрода хизматда бўлишининг энг юқори ёшига етиши;

ходимнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиши;

ходимнинг шаъни ва обрўсига путур етказувчи номуносиб ёхуд ножўя хатти-ҳаракат содир этиши.

Хизматни ўташни тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилинишига қуйидагилар асос бўлади:

ходимнинг бошқа ишга, шу жумладан сайлаб қўйиладиган лавозимга ўтиши;

ходим ҳарбий хизматга чақирилиши;

шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг хизматга тикланиши;

ходимнинг вафот этиши, уни бедарак йўқолган деб топилиши ёки вафот этган деб эълон қилиниши;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар.

64. Ходимларнинг хизматда бўлиш ёшининг чегараси эркаклар учун 60 ва аёллар учун 55 ёш этиб белгиланади.

Хизматда бўлиш ёшининг чегарасига етган, юқори касбий тайёргарлик ва эгаллаб турган лавозимида катта амалий иш тажрибасига эга, зиммасига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган ходим

ўз ваколатлари доирасида Бош прокурор ёки Бюро директорининг розилиги билан Бюрода хизматни давом эттириши мумкин.

65. Ходим эгаллаб турган лавозимдан озод қилинганда охириги хизмат жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда кадрлар тармоқлари ихтиёрида қолади. Уни келгусида лавозимга тайинлаш ёки бўшатиш масаласи, эгаллаб турган лавозимдан озод қилиш ҳақидаги буйруқ чиқарилган вақтдан бошлаб бир ойдан кеч бўлмаган муддат ичида ҳал этилиши лозим (ходимнинг меҳнатга вақтинча қобилиятсизлик даври бу муддатга кирмайди).

66. Пенсияга чиққан ходимларга Бюро директори томонидан белгиладиган шакл бўйича пенсия гувоҳномаси берилади.

67. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига сайланган (тайинланган) ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимга тайинлаш ёки тасдиқлаш тўғрисидаги қарори ёки тақдимномасига асосан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ўтган ёхуд Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, раис ўринбосари, вилоят, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокими ёки ҳоким ўринбосари лавозимига тайинланган ва тасдиқланган ходим Бош прокурорнинг буйруғи билан прокуратура органларининг амалдаги кадрлар захирасига киритилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда, бошқа давлат органлари ва ташкилотларига ишга ўтган ходим Бош прокуратуранинг аттестация комиссияси таклифига асосан Бош прокурор томонидан прокуратура органларининг амалдаги кадрлар захирасига киритилиши мумкин.

Ходимнинг ушбу бандда кўрсатилган фаолият муддати навбатдаги даражали унвонни бериш ҳуқуқини берувчи, кўп йиллик хизмати учун тўланадиган устамани тўлаш, пуллик таъминот окладини белгилаш ёки пенсия тайинлаш учун Бюродаги хизмат стажига қўшилади.

68. Ушбу Низомнинг 67-бандида кўрсатилган прокуратура органларининг амалдаги кадрлар захирасига киритилган ва унда бўлган ходимлар, улар сайланган ёки тайинланган органлардаги меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда, Бюро ходимлари учун белгиланган барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий муҳофаза қилиш чораларидан фойдаланадилар.

Ушбу Низомнинг 67-бандида кўрсатилган прокуратура органларининг амалдаги кадрлар захирасига киритилган ва унда бўлган ходимларга ушбу Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда даражали унвонлар, шунингдек Бош прокурор томонидан белгиланган шаклда прокуратура органларининг амалдаги кадрлар захираси ходими гувоҳномаси берилади.

Солиқ ва молиявий имтиёзлар, шунингдек, бошқа моддий афзалликларнинг қўлланилиши Бюро ходими сайланган ёки тайинланган орган томонидан унда амалда бўлган лавозим бўйича маоши ва бошқа тўловлар миқдори сақланган ҳолда амалга оширилади

Шу билан бирга, бундай ходимларга даражали унвонлари, кўп йиллик хизмат стажи ҳамда Бюро ходимлари учун белгиланган меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳисобланадиган ўртача ойлик устамалар тўланади.



69. Амалдаги кадрлар захирасига ўтказилган хизмат ўташни тугатган ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари бевосита Бюрода хизмат ўташни тугатган шахслар ва уларнинг оила аъзолари каби ҳуқуқлар, имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланадилар.

70. Амалдаги кадрлар захирасига киритилган ва унда бўлган ходимларга уларнинг бошқа давлат органларидаги ваколат муддатлари тугаганидан сўнг, муқаддам Бюрода эгаллаган ёки унга тенг лавозим берилиши кафолатлари таъминланади, ходимнинг эгаллаб турган лавозимига нолойқлиги ёки соғлиги ҳолатига ёхуд меҳнат (хизмат) мажбуриятларини бажармаганлиги учун меҳнат фаолияти тугатилган ҳоллар бундан мустасно

71. Ишдан ноқонуний бўшатиш, бошқа лавозимга ўтказилган, даражали унвондан маҳрум этилган ходимлар муқаддам эгаллаган лавозимига ва даражали унвонида қайта тикланади. Муқаддам эгаллаган лавозимига тайинлашнинг имкони бўлмаганида ходимлар бошқа тенг лавозимга тайинланади.

Ишга тикланган ходимларнинг мажбурий прогул вақти уларга кўп йиллик хизмати учун тўланадиган устамани ҳисоблаш ҳамда навбатдаги даражали унвонни бериш учун иш стажларида ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюросида хизматни  
ўташ тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюросининг даражали унвонларига  
эга бўлган ходимлари мансаб маошларига алоҳида  
меҳнат шaroитлари учун ҳар ойлик устамалар  
МИҚДОРЛАРИ**

Лавозимнинг номи	Мансаб маошига устама миқдори (фоизларда)
Мажбурий ижро бюросининг марказий аппарати	50
Мажбурий ижро бюросининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари	50
Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари	50

Изоҳ: алоҳида меҳнат шaroитлари учун ҳар ойлик устама қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда Мажбурий ижро бюроси ходимларининг мансаб маоши таркибига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 30 майдаги  
ПҚ-3016-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюроси марказий аппарати ходимларининг  
Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш  
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номи	Разрядлар
Бюро директори	19
Бюро директорининг биринчи ўринбосари*	
Бюро директорининг ўринбосари*	
Бошқарма бошлиғи**	18
Бўлим бошлиғи**	17
Бош ҳисобчи	17
Бош: суриштирувчи, тафтишчи, инспектор; Бюро директорининг ёрдамчиси	15
Катта: суриштирувчи, тафтишчи, инспектор, криминалист	14
Криминалист	13
Бош мутахассис	12
Етакчи мутахассис	11
I-гоифали мутахассис	10

\* Бюро директорининг биринчи ўринбосарига Бюро директори ставка-сидан — 3%, Бюро директорининг ўринбосарига — 5% кам миқдорда.

\*\* Бюро бошқарма ва бўлим бошлиғи ўринбосарига бошқарма ва бўлим бошлиғи ставкасидан 5% кам миқдорда.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 30 майдаги  
ПҚ-3016-сон қарорига  
7-ИЛОВА

**Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон Республикаси,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ходимларининг  
Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш  
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номи	Вилоятлар гуруҳлари бўйича разрядлар			
	гуруҳдан ташқари	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
Бошқарма бошлиғи	18	17	16	16
Бошқарма бошлиғининг ўринбосари*				
Бўлим бошлиғи, бош ҳисобчи	17	16	15	15
Бош тафтишчи	14	14	14	14
Катта: суриштирувчи, тафтишчи, инспектор	13	13	13	13
Суриштирувчи, инспектор	12	12	12	12
Бош мутахассис	11	11	11	11
Етакчи мутахассис	10	10	10	10
I-тоифали мутахассис	9	9	9	9
Ҳисобчи-кассир	8	8	8	8

\* Худудий бошқарманинг бошлиғи ўринбосарига худудий бошқарма бошлиғи ставкасидан 5% кам миқдорда.

Гуруҳдан ташқари	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
Тошкент шаҳри	Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти, Қашқадарё вилояти, Самарқанд вилояти, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти	Бухоро вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Сурхондарё вилояти, Хоразм вилояти	Жиззах вилояти, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 30 майдаги  
ПҚ-3016-сон қарорига  
8-ИЛОВА

**Бюро шаҳар бўлимлари ходимларининг Ягона тариф сеткаси  
бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш  
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номи	Шаҳарлар гуруҳлари бўйича разрядлар	
	1-гуруҳ	2-гуруҳ
Бўлим бошлиғи — катта давлат ижрочиси	15	14
Бўлим бошлиғининг ўринбосари*		
Давлат ижрочиси	14	13
Катта инспектор	12	12
Ҳисобчи	12	12
Давлат инспектори	11	11
Суриштирувчи, инспектор, криминалист	11	11
Бош муҳандис	11	11
Мутахассис	10	10

\* Бюро шаҳар бўлими бошлиғининг ўринбосарига бўлим бошлиғи ставкасидан 5% кам миқдорда.

**1-гуруҳ**

Андижон шаҳри,  
Бухоро шаҳри,  
Қарши шаҳри,  
Навобий шаҳри,  
Наманган шаҳри,  
Нукус шаҳри,  
Самарқанд шаҳри,  
Фарғона шаҳри

**2-гуруҳ**

Гулистон шаҳри,  
Жиззах шаҳри,  
Термиз шаҳри,  
Урганч шаҳри

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 30 майдаги  
ПҚ–3016-сон қарорига  
9-ИЛОВА

**Бюро туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг  
Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш  
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номи	Разрядлар
Бўлим бошлиғи — катта давлат ижрочиси	14
Бўлим бошлиғининг ўринбосари*	
Давлат ижрочиси	13
Катта инспектор	12
Ҳисобчи	12
Давлат инспектори	11
Суриштирувчи, инспектор, криминалист	11
Бош муҳандис	11
Мутахассис	10

\* Бюро туман (шаҳар) бўлими бошлиғининг ўринбосарига бўлим бошлиғи ставкасидан 5% кам миқдорда.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 30 майдаги  
ПҚ–3016-сон қарорига  
10-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб топилган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 августдаги ПҚ–458-сонли қарори 2-бандининг тўртинчи хатбоши, 4-банди ҳамда унинг 1-иловаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ–722-сонли қарори 7-иловасининг иловаси.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 29 декабрдаги ПҚ–1900-сонли қарорининг 6-банди ҳамда унинг 4 — 6-иловалари.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори 1-бандининг иккинчи — тўртинчи хатбошилари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 11-сон, 103-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда Суд ижрочиларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 10 июлдаги 195-сонли қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши ҳамда унинг 1-иловаси.